

УДК: 616-006:613.32:614.71

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИЗИЛЎНГАЧ САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ДИНАМИКАСИНИ ЎРГАНИШ

Оринбаева Зухра Науризбаевна*Тошкент тиббиёт академияси, Микробиология, вирусология ва иммунология
кафедраси ассистенти**zuxraorinbaeva@gmail.com тел: +99890-724-21-88***Кадирова Куралай Абдуллаевна***Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти клиник алергология, иммунология,
микробиология кафедраси ассистенти*

Аннотация: ҚРда Қизилўнғач саратони билан охирги 5 йилликда касалланиш, аввалги йилларга солиштирганда бироз кўтарилган, ҳудудлар бўйича касалланиш 2016-2018йилларда 36,0% га кўтарилган, шаҳар ва туманлар бўйича касалланиш Нукус шаҳрида ва Беруний, Тўрткул туманларида (2013-2021йй) ҳалигача касалланиш юқориликда қоляпти.

Калит сўзлар: Қизилўнғач саратони, касалланиш, 5 йиллик омон қолиш даражаси, ҳудуд, туман

ИЗУЧЕНИЕ ДИНАМИКИ ЗАБОЛЕВАНИЯ РАКОМ ПИЩЕВОДА В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКИСТАН

Оринбаева Зухра Науризбаевна*ассистент кафедры Микробиологии, вирусологии и иммунологии Ташкентская
медицинская академия***Кадирова Куралай Абдуллаевна***ассистент кафедры Клинической алергологии, иммунологии, микробиологии
Ташкентского Педиатрического Медицинского института*

Аннотация: Заболеваемость раком пищевода в КР несколько увеличилась за последние 5 лет по сравнению с предыдущими годами, заболеваемость по зонам в периоды с 2016-2018гг увеличилась на 36%, а заболеваемость по районам Беруний, Тўрткуль и городу Нукус в периоды с 2013-2021гг до сих пор остается высокой.

Ключевые слова: рак пищевода, заболеваемость, 5-летняя выживаемость, зона, район

STUDY OF THE DYNAMICS OF ESOPHAGEAL CANCER IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKISTAN

Orinbayeva Zukhra Naurizbayevna*Assistant of the Department of Microbiology, virology and immunology Tashkent Medical
Academy***Kadirova Kuralai Abdullayevna**

Assistant of the Department of Clinical Allergology, immunology, microbiology of the Tashkent Paediatric Medical Institute

Annotation: The incidence of esophageal cancer in the Karakalpakstan Republic has slightly increased over the past 5 years compared to previous years, the incidence by zones in the periods from 2016-2018 increased by 36,0%, and the incidence in the districts of Beruniy, Turtkul and the city of Nukus in the periods from 2013-2021 is still remains high.

Key words: esophageal cancer, morbidity, 5-year survival rate, zone, district

Мавзунинг долзарблиги: Ҳавфли ўсмалар орасида қизилўнгач саратони нафақат меъда-ичак тракти, балки бошқа ўсмалар орасида ҳам энг ҳавфлиси ҳисобланади [1,4,5]. Дунёнинг аксарият мамлакатларида, шу жумладан Россияда қизилўнгач саратони (ҚС) билан касалланиш даражаси пасаймоқда. Лекин, бир қатор ривожланган мамлакатларда сўнги йилларда қизилўнгач аденокарциномаси билан касалланишнинг кўпайиши кузатилмоқда[1,2]. ҚС билан касалланишнинг максимал даражаси Хитойнинг шимолий-шарқий қисмидан яқин шарққа чўзилган ва ҳар 100 000 аҳолига 100та касалланиш ҳолати тўғри келадиган “Осиё ҚС ҳудуди” деб аталадиган ҳудудда қайд қилинган [8,12]. ҚС билан касалланишнинг паст даражаси Арманистон, Мали, Исроил, Ветнамда қайд этилган – 100 минг аҳолига 1,7-2,2 касалланиш ҳолати тўғри келади. Қўшма штатларда ҳар йили 13000 тагача янги ҚС билан касалланиш ҳолатлари аниқланади, бу 100 000 аҳолига 5 та касалланиш ҳолати учрайди. Россияда касалланишнинг энг юқори даражаси Якутия ва Тувада, энг паст даражаси шимолий Кавказда қайд қилинган [3,6]. ҚС билан касалланишнинг кўпайиш тенденциясига қарамай (ЖССТ 2018й) М.Н.Тилляшайхов ва бошқ. (2019й) нинг берган маълумотлари бўйича Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган. Агар 2008 йилда ҚС нинг янги қайд қилинганлар сони 991 та ҳолат кузатилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткиш 782 тани ташкил этиб, 26,0% га камайган [5]. Бир қатор саратон касаллиги қайд қилинган маълумотларга кўра, ҚС барча ҳолатларнинг 50% дан ортиғини ташкил қилган. ҚС билан касалланишнинг энг юқори ва энг паст кўрсаткичлари ўртасида 100 баравар ёки ундан ортиқ фарқ борлиги




аниқ географик ўзгарувчанлик борлиги билан тавсифланади. Энг юқори касалланиш (>150) Эрон ва бошқа мамлакатларда қайд этилган. Каспий минтақаси, хусусан Туркменистон ва Қозоғистоннинг Каспий денгизига туташган айрим худудларда, шунингдек Қорақалпоғистонда ҚС билан касалланиш даражаси юқори. ҚС учун 5 йиллик омон қолиш даражаси 5-12% ни ташкил қилади ва сўнги 20 йил давомида бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолмоқда [4,9,10,11]. ҚС яширин кечиши, лимфа тизими орқали эрта тарқалиши ва ўлим кўрсаткичининг юқори кўрсаткичлари айна касалликга чуқурроқ ёндашувни талаб қилади [5].

Тадқиқот мақсади: Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг 2013-2021 йилларда қизилўнгач саратони билан касалланиш динамикасини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқотимиз учун Қорақалпоғистон Республикасининг онкологик диспансерининг расмий ҳисобот ҳужжатлари маълумотлари (форма № 7 «Сведения о злокачественных новообразованиях» 2013-2021 йиллар) ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат статистика маълумотларидан (аҳоли сони туманлар бўйича 2021й) фойдаланилди [9]. Касалланишлардаги фарқларни аниқлаш мақсадида 2013 йилдан 2021 йилгача бўлган вақт оралиғи 3та 3 йилликга ажратилди ва ҚР худуди шартли равишда 4-зонага, шимолий-ғарбий зона (Мўйноқ, Кўнғирот, Канлиқўл ва Шуманай), шимолий зона (Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой, Бозатаў ва Кегейли), марказий зона (Нукус шаҳри, Тахиатош, Хўжайли ва Нукус тумани) ва жанубий зона (Амударё, Беруний, Эллиққалъа ва Тўрткўл) бўлинган. Изланиш олиб боришда эпидемиологик, статистик усуллар қўлланилди. Материалларни статистик қайта ишлашда амалий компютер дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Натижалар ва муҳокама: Изланишлар натижасида (2013-2021йй.) Қорақалпоғистон Республикасида қизилўнгач саратони ташхиси биринчи маротаба аниқланиб, рўйхатга олинганлар 1391 нафар беморни ташкил қилди. ҚР да касалланиш динамикасини йиллар кесимида ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, 2013, 2016 ва 2021 йилларда касалланиш кўрсаткичи йилларга мос равишда (164, 190 ва 174) бўлган ва энг кам касалланиш 2019 йилга (128 нафар) тўғри келган (1-диаг.). Касалланишни


йиллар кесимида ўрганиш натижасида ҚР нинг ҳудудий зоналарида ҚС билан касалланиш динамикасини ўрганиш илмий қизиқиш уйғотди (2-расм). 2013-2015, 2016-2018 ва 2019-2021 йилларда ҳам марказий ва жанубий туманларда касалланиш ўртача касалланиш кўрсаткичидан юқори бўлган. Яъни 2013-2015йй марказий зона шимолий зонадан – 1,7 марта, шимолий-ғарбий зонадан – 1,4 марта юқори. Жанубий зона шимолий зонадан – 2,0 марта, шимолий-ғарбий зонадан – 1,7 марта юқори. 2016-2018йиллар марказий зона шимолий зонадан – 1,4 марта, шимолий-ғарбий зонадан – 1,3 марта юқори. Жанубий зона шимолий зонадан – 2,0 марта, шимолий-ғарбий зонадан – 1,8 марта юқори. 2019-2021йилларда марказий зона шимолий зонадан – 1,8 марта, шимолий-ғарбий зонадан – 1,9 марта юқори. Жанубий зона шимолий зонадан – 1,6 марта, шимолий-ғарбий зонадан – 1,7 марта юқори (1-диаграмма).



1-диаграмма. ҚР нинг ҳудудий зоналарида ҚС билан касалланиш динамикаси

ҚР да касалланишни туманлар кесимида ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, шимолий-ғарбий зонада Кунград туманида, Шимолий зонада Чимбай тумани, Марказий зонада Нукус шаҳри ва Ходжейли тумани, Жанубий зонада Беруний, Турткуль, Амударья туманларида касалланиш кўрсаткичи сезилари даражада юқори,

солиштирмали касалланиш паст кўрсаткиш Шимолий-ғарбий ва Шимолий зоналарга тўғри келди (2-диаграмма ва 1-жадвал).



2- диаграмма. ҚР шаҳар ва туманларида қизилўнгач саратони билан касалланиш динамикаси

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки: ҚР да Қизилўнгач саратони билан охирги 2017-2020 йилларда касалланиш аввалги йилларга солиштирганда бироз пасайган ва сўнгги 2021 йилда касалланиш 0,88 га кўтарилган, ҳудудлар бўйича касалланиш марказий ва жанубий ҳудудлар шимолий-ғарбий ва шимолий ҳудудларга нисбатан 1,1-1,5 баробар юқори. 2016-2018йй ларда касалланиш жанубий ҳудудда 36% га - кўтарилган, шаҳар ва туманлар бўйича касалланиш Нукус шаҳрида ва Беруний, Тўрткул туманлари бошқа туманларга нисбатан касалланиш кўрсаткичи (2013-2021йй) юқорилигача қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Веремчук Л.В., Кику П.Ф., Жерновой М.В., Юдин С.В. Экологическая зависимость распространения онкологических заболеваний в Приморском крае // Сибирский онкологический журнал. 2012. № 1 (49). С. 19–25.



2. Заридзе Д.Г. Профилактика рака. Руководство для врачей. М.: ИМА-ПРЕСС, 2009. 224 с.
3. Писарева Л.Ф., И.Н. Одинцова, О.А. Ананина, С.Г. Афанасьев, М.Ю. Волков, Н.П. Ляхова «Заболеваемость раком пищевода в томской области» сибирский онкологический журнал. 2014. № 1 (61) 33-36ст
4. Рудык Ю.В., Афанасьев С.Г., Тузиков С.А. и др. Эффективность комбинированного лечения больных раком пищевода с применением неоадьювантной химиотерапии// Сибирский онкологический журнал. 2013. № 4 (58). С. 17-22
5. Юсупбеков А.А., Усманов Б.Б. “Анализ тренда заболеваемости рака пищевода в республике узбекистан за последние 20 лет” Ежеквартальный научно-практический журнал “Онкология” 21-20 бет
6. Янкин АВ. Рак пищевода от статистики к диагностике. Практическая онкология. 2003;4(2):61-2. [Yankin AB. Esophageal Cancer from Statistics to Diagnosis. Practical Oncology. 2003;4(2):61-2. (In Russ.)].
7. Cancer Incidence, Mortality and Prevalence Worldwide in 2008. International Agency for Research on Cancer (IARC). [Электронный ресурс] / IARC 2010. – Режим доступа: <http://globocan.iarc.fr/>.
8. Eslick GD. Epidemiology of esophageal cancer. Gastroenterol Clin North Am. 2009;38(1):17-25
9. Faiz Z., M. van Putten, Verhoeven R. H. A., J. W. van Sandick, Nieuwenhuijzen G. A. P. Impact of Age and Comorbidity on Choice and Outcome of Two Different Treatment Options for Patients with Potentially Curable Esophageal Cancer. April 2019, Volume 26, Issue 4, pp 986–995
10. Jemal A., Siegel R., Xu J., Ward E. Cancer Statistics, 2010 // CA: A Cancer Journal for Clinicians. 2010. Vol. 60, Issue 5. P. 277–300.
11. Roxanne Nelson, BSN, RN. Cancer Incidence Continues to Rise: 1 in 5 Men, 1 in 6 Women. CA Cancer J Clin. Published online September 12, 2018.
12. <https://oncology.ru/specialist/epidemiology/malignant/C15/>